# 2022 ЙИЛ – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

O‘ZLIDEP

# XXI asr

Yangi O‘zbekiston taraqqiyoti uchun birlashaylik!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

6-yanvar 2022-yil 1 (947) | www.21asr.uz | @XXIasrofficial | Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan


БУГУНГИ СОНДА:




“ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ – НАЖОТКОР ЙЎНАЛИШ 2с.





БУГУННИНГ ОДАМИ

22-Бўстон сайлов округидан халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига сайланган Акром Наврўзов фаолиятига бир назар 3с.





КАЛАВАНИНГ УЧИ БОР, ОХИРИ ЙЎҚ! 5с.





ЯРАШТИРИШ ЕЧИМ ЭМАС... ҳатто фожиа билан тугаши мумкин 6с.


МУНОСАБАТ



ЎзА сурати.

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

**2021 йилни кузатиб, янги – 2022 йилни кутиб олар эканмиз, якунланган йилда мамлакатимизда барча соҳаларда эришилган ютуқларга назар ташлаймиз. Ўзбекистонда амалга оширилаётганислоҳотларнинг асосий мақсади ҳар бир жамиятда олий қадрият ҳисобланмиш инсон манфаатлари тўла рўёбга чиқарилишига қаратилмоқда.**

Пандемия ва глобал инқирозга қарамай, мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш таъминланди. Кўплаб корхоналар, кластер ва технопарклар, замонавий инфратузилма тармоқлари барпо этилди. Янги-янги уй-жойлар, боғча ва мактаблар, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари фойдаланишга топширилди. Энг муҳими, бу янгиланишларни одамлар ўз ҳаётида ҳис этди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида дадил қадамлар ташланди. Ўзбекистоннинг халқаро мавқеи янада юксалди. Юртдошларимиз онг-тафаккури ўзгариб, халқимизнинг хоҳиш-истаклари, орзу-умидлари рўёбга чиққан ҳолда, ҳаётимизда ёрқин из қолдирди.

O‘zLiDeP ўз дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, поёнига етган йилда барча соҳаларда кечган янгиланиш, юксалиш жараёнларига ҳамоҳанг иш олиб борди. Ҳаракатлар стратегиясини 2021 йилда амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар бажарилишига муайян ҳисса қўшди.

Олдимизда эса янги, кўламдор, сифат ўзгаришларини чуқурлаштирадиган вазифалар турибди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги Ўзбекистон – бу ҳали том маънодаги, биз орзу қилаётган, интилаётган янги Ўзбекистон эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригини тинглаб, жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада ошишига, Янги Ўзбекистонда инсонни эъзозлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, одамларни рози қилиш давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолишига ишонч ҳосил қиласан киши.

Давлатимиз раҳбарининг халқимизга йўллаган табригидаги қуйидаги сўзлари диққатга сазовордир: “Юртимизда кенг кўламли ислоҳотларимиз барқарор тус олди. Уларни янада ривожлантириш мақсадида биз Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқдик. Унинг асосида “Инсон қадри учун”, деган улуғвор ғояни амалга оширамиз. Биз янги йилга ном беришда, кенг жамоатчиликнинг фикрларини ўргандик. Ана шу таклифлардан келиб чиқиб, мен янги – 2022 йилни мамлакатимизда “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилишни таклиф этаман”.

Бу фикрга барчамиз бирдек қўшиламиз. Боиси, инсон қадрини улуғлаш – юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир.

2022 йилга ана шундай ном берилиши беш йил муқаддам бошланган туб ислоҳотлар ортга қайтмаслигидан далолатдир. Негаки, янги Ўзбекистонда “Давлат – инсон учун” тамойили асосида инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, одамларни рози қилиш ислоҳотларнинг энг устувор йўналишига айланди ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар келгусида ҳам изчил давом этади. Уларнинг нечоғлик самарадор кечишида эса жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутади.

Мазкур тизимдаги ишлар янада такомиллаштирилиб, ҳар бир маҳаллани ҳокимликлар билан боғлаш мақсадида маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилди. Бу эса, Президентимиз қайд этганидек, жойларда раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилишига эришишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон аҳолисининг олтмиш фоиздан ортиғини ташкил этувчи ёшларнинг ҳам катта ҳаётга қадам қўядиган илк маскани маҳалла экани ҳисобга олиниб, маҳаллаларда ёшлар масалалари билан мунтазам шуғулланадиган Ёшлар ишлари агентлигининг вакили штати ташкил этиляпти. Молиявий имкониятни кенгайтириш мақсадида туман бюджети қўшимча манбалар билан таъминланиб, маҳаллаларнинг алоҳида жамғармаси шакллантирилади.

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишларида тилга олаётган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг узвий давоми бўлиб, бугунги глобал ўзгаришлар, аҳоли турмуш тарзи, ҳаёт талаби ва қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда етти йўналиш белгилаб олинди. Стратегиядаги ҳар бир вазифа сайлов жараёнида бевосита фуқароларимиз иштирокида муҳокамадан ўтказилиб, ҳаётий таклиф ва ташаббуслар билан тўлдирилди. Бошқача айтганда, халқимиз билан бамаслаҳат ишлаб чиқилди. Демак, ислоҳотларни янги босқичда давом эттириш, аввало, халқимизнинг хоҳиш-иродасидир.

Эътибор беринг, Тараққиёт стратегиясининг биринчи йўналиши эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни янги поғонага кўтаришга йўналтирилган вазифалардан иборат. Булар ҳаётимизга татбиқ этилиши орқали миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган “Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат” ғоясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, “Инсон қадри учун” деган устувор тамойил тўлақонли рўёбга чиқарилади. Жумладан, бунда маҳаллий бошқарув органларининг жойларда муаммоларни ҳал этишдаги роли ва масъулияти янада кучайтирилади.

Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда халқ вакиллари бўлган депутатлар алоҳида ўрин тутади. Хусусан, Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, халқимиз кутаётган, янги Ўзбекистон тараққиётини тезлаштиришга хизмат қиладиган қонунчилик концепциясини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш ва уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтиришга устувор аҳамият берилади. Парламент томонидан мамлакатимиз бўйича мурожаатлар билан ишлаш ҳолати назоратга олиниб, жойлардаги ижро идораси раҳбарлари ҳисоботини эшитиш ва натижага асосланиб, уларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш тизими йўлга қўйилади.

Бугун Ўзбекистонда янги давр бошланди. Президентимиз “Халқимиз билан бошлаган демократик ислоҳотлар йўлини янада қатъий давом эттирамиз ва бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз! Янги Ўзбекистонни биргаликда, албатта, барпо этамиз!” дея бот-бот таъкидламоқда. Қатъиятга йўғрилган бу сўзлар барчамизни янада фаолроқ ишлашга даъват этмоқда, руҳлантирмоқда. O‘zLiDeP эса мамлакатдаги етакчи сиёсий куч сифатида янги Ўзбекистон бунёдкорларининг олдинги сафларида бўлади.




**Актам ХАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,**
**O‘zLiDeP фракцияси раҳбари**


# КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРНИ БОШҚАРИШ ТАКОМИЛЛАШАДИ

**Жорий йилнинг 3 январь куни ҳукумат қарори билан Кўп квартирали уйларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш қоидалари тасдиқланди.**



Низомга мувофиқ, кўп квартирали уйларни бошқариш фаолияти уй-жойдан фойдаланишда қулай ва хавфсиз шароитларни яратиш, умумий мол-мулкни сақлаш ва ундан фойдаланиш учун зарур хизматлар ва ишларни қамраб олади.

Кўп квартирали уйни бошқариш органи уйга кириш қисмида қуйидаги маълумотларни доимий жойлаштириб бориши шарт:

- бошқариш органининг номи, манзили, телефони, иш тартиби, веб-сайти;
- коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларниинг алоқа телефонлари;
- таъмирлаш ишлари вақти;
- мажбурий бадал, кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов миқдори.

Бошқариш органи авария вазиятларини бартараф этадиган 24 соат ишлайдиган авария-диспетчерлик хизматини ташкил этиши керак.

Бунда авария-диспетчерлик хизмати мулкдорларнинг қўнғироқларига 3 минутдан кўп бўлмаган вақтда жавоб бериши лозим.

Шунингдек, хонадонлардаги канализациялар тиқилиб қолганида ва ифлосланиш ҳолатлари бўлганида бу ҳолатлар 2 соатда бартараф этилиши керак.

Совуқ, иссиқ сув, иссиқлик ва электр таъминоти ва канализация авариявий шикастланганда бу ҳолатлар 3 кунда бартараф этилади.

www.21asr.uz
@XXIasrofficial
XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
6-yanvar 2022-yil 1 (947)

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИГА

# “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ – НАЖОТКОР ЙЎНАЛИШ



**Шу кунларда мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” дастури лойиҳаси жамоатчилик орасида кенг муҳокама қилиниб, уни янада такомиллаштириш юзасидан жўяли ва тизимли таклифлар илгари сурилмоқда**

Қизиқ савол туғилади: қачондан бошлаб иқтисодиёт рангларга ажратиладиган бўлиб қолди? Бирданига жавоб бериш мушкуллигини сездингиз-а!?

Энди эса хаёлингизга “яшил” иқтисодиёт тушунчаси қўлланилаётгани унинг рангларга ажратилганини англатмайди”, деган фикр келди, тўғрими? Майли, ҳозир сўз мазкур атамани ким ва қачон илк бор қўллагани ҳақида эмас. Аксинча, “яшил” иқтисодиётга ўтиш нақадар зарурлиги ва унинг келажак учун долзарб аҳамияти хусусида бўлади.

Иқлим ўзгаришлари ва экологик муаммолар тобора кучлироқ намоён бўлаётган ҳозирги замонда она табиатга таъсирни имкон қадар камайтириш биринчи даражали масала бўлиб турибди. Лекин атроф-муҳитга зарар етказади деб иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва саноат, геология ва транспорт йўналишларини ҳам тўхтатиб бўлмайди.

Биргина мисол: ҳозирги ҳаётимизни самолётларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо улар учиш ва қўниш вақтида атмосферага жуда катта зарар келтиради. Хўш, нима қилиш керак? Халқона ибора билан айтганда, сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган йўлини топишдан ўзга нажот йўқ. Иқтисодиёт тармоқларини “яшил” технологиялар негизига қуриш эса ҳозир бирдан-бир энг тўғри ва қулай йўналиш бўлиб турибди.

Яқин ва олис истиқболга қаратилган стратегия устида бош қотирилар экан, “яшил” иқтисодиётга ўтиш масаласига устуворлик берилаётгани ҳам шундан. Модомики, узоқни кўзлаб сиёсат юргизаётган Президентимиз охирги чиқишларининг барчасида, хоҳ у мамлакатдаги тадбир бўлсин, хоҳ халқаро миқёсдаги нуфузли учрашувлар бўлсин, ҳар сафар экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида фикр билдираётгани бежиз эмас.

Масалан, 2021 йилнинг 16-18 декабрь кунлари Жанубий Кореяга давлат ташрифи жараёнида ҳам юртбошимиз ўзаро стратегик шерикликнинг 3 та муҳим йўналишини ривожлантириш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади. Биринчиси – рақамлаштириш, иккинчиси – “яшил” иқтисодиёт, учинчиси – кучли ижтимоий сиёсат. Кўриб турганингиздек, биз танлаган мавзу ҳам ана шу ҳамкорликнинг асосий нуқтасидан жой олган.

Бугун дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган давлатлари, айниқса, Германия ва Сингапурда “яшил” иқтисодиёт бўйича изчил ислоҳотлар ўтказилиб, анчагина ютуқларга эришилаётганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Жамоатчилик муҳокамасидан ўтаётган “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” дастури лойиҳаси ҳам ниҳоятда муҳим ҳужжатлиги билан ажралиб туради. Бир сўз билан айтганда, унда халқимизнинг келажаги ўз аксини топган. Нурли эртамизни эса бизда жадал тараққий этаётган қурилиш ва транспорт каби соҳаларга “яшил” технологияларни жорий этмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам дастур лойиҳасида мазкур йўналишларга кенг ўрин берилган.

Мисол учун, ушбу соҳаларни қуйидаги босқичларда янада чуқурлаштириб, қонунчилик базаси мустаҳкамланса, айни муддао бўлар эди:

1. “Яшил қурилиш” йўналишида соҳада экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш индустриясини ривожлантириш, инвестиция дастурлари асосида қурилаётган объектларда, айниқса, мактабгача таълим, халқ таълими, олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари қурилишида “асбес”сиз материаллардан, уларни ободонлаштиришда эса “чинор”сиз каштан, сафора, эман ва дуб каби дарахтлардан фойдаланишни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Экологик хавфсизликка оид “эски стандарт”лардан воз кечиш (бугун исталган мактаб ёки мактабгача таълим муассасасида бирорта чинорни кесиб, ўрнига экологик тоза дарахт экмоқчи бўлинса, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 – 150 бароборигача миқдорда маъмурий жарима қўллаш амалиёти мавжуд) хусусида ҳам ўйлаб кўриш керак.

2. “Яшил транспорт” йўналишида бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки минтақада углеводород хомашёси захиралари чегараланганлигини, дизель ёнилғили транспорт воситаларининг атроф-муҳитга чиқараётган зарарли газларининг олдини олиш мақсадида автомобилсозлик саноатида электромобилларга кўпроқ эътибор қаратиш жоиз. Электромобилларга ўтиш бўйича аниқ стратегик вазифалар белгилаб олиниши бу жараённи янада тезлаштириши табиий.

Хусусан, бугун қонунчилигимизда **870380008 ТН ВЭД** божхона кодига мансуб электромобиллар бож тўловлари ҳамда йиғимлардан озод қилинган. Мазкур тартибга қуйидагича қўшимча ва ўзгартириш киритиш самарадорликни янада ошириши шубҳасиз:



**Ғайратжон ТУРҒУНОВ,**
**O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бош консультанти**

*- 870380008 ТН ВЭД божхона кодига мансуб электромобиллар автопилот тизимига эга бўлган тақдирда уларни акциз солиғи, 15 фоизли қўшилган қиймат солиғи ва барча йиғимлардан озод этиш;*

*- автопилот тизимига эга бўлмаган 870380008 ТН ВЭД божхона кодига мансуб электромобиллар ҳозирги тартибда фақатгина 15 фоизли қўшилган қиймат солиғи тўлашини сақлаб қолиш;*

*- 870380008 ТН ВЭД божхона кодига мансуб электромобилларни “утилизация” йиғимидан озод қилиш (сабаби – бу мантиққа тўғри келмайди);*

*- ёнилғи билан юрадиган барча автомобиллар учун божхона тизимидаги жорий қонунчиликни сақлаб қолиш.*

Фикримча, бу таклифларни амалга ошириш орқали пировардида қатор ижобий натижаларни кутиш мумкин. Масалан:

- ишлаб чиқарилган даври 2020 йилдан юқори бўлган сифатли, автопилот тизимига эга бўлган электромобилларни ўрта-юқори нарх доираси учун қулай нархларда импорт қилиш имкониятини яратиш;

- автопилот тизимига эга бўлмаган электромобиллар учун 15 фоизли қўшилган қиймат солиғини сақлаб қолиш ва қолган барча солиқ ва йиғимлардан озод қилиш, ички бозоримизда ишлаб чиқарилиши кутилаётган арзон бюджет сегментидаги автомобиллар савдосини соғлом рақобатдан кечмаган ҳолда ўсишини ва импорт чекловини рағбатлантириш;

- 2030 йилгача ёнилғи билан юрадиган автомобилларнинг 80 фоизидан воз кечиш.

Республикамизда ёнилғи билан юрувчи автомобиллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводларимизни дунё бозорида рақобатбардош, экспортбоп электромобиллар ишлаб чиқаришга 100 фоиз интеграция қилиш. Жумладан, “Жиззах аккумулятор заводи” акциядорлик жамиятини тўлиқ электромобиллар учун литий ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш.

Мухтасар хулоса шуки, юқоридаги таклифлар “Инсон қадри учун” тамойилига мос келади. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Сайловолди платформаси билан уйғунлигини эса айтмасам ҳам барча сафдошларимиз – электорат вакиллари жуда яхши билишади.

ЭЪТИРОФ

# УМИД УЙҒОНЯПТИ, ИШОНЧ ҲАМ

**Мамлакатимизда кейинги беш йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Биргина агрокластерлар тизимининг кириб келиши соҳада туб бурилиш ясади.**

Эндиликда ҳокимларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига аралашувига ҳожат қолмаяпти. Улар ҳудудни ривожлантириш, одамларнинг оғирини енгил қилиш, маҳаллаларни ободонлаштириш ва бошқа ижтимоий масалаларга кўпроқ вақтини сарфлашяпти.

Қувонарли томони, чекка-чекка ҳудудларда узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган оғир муаммоларни бартараф этиш учун кўплаб истиқболли лойиҳалар бўй кўрсатяпти. Жойларда барча даражадаги раҳбарлар билан жонли мулоқотлар ва сайёр қабуллар йўлга қўйилгани одамларда муаммоларини ҳал қилиш мумкинлигига катта умид ва ишонч уйғотди.

Буни жойларга борганимизда кўряпмиз, сайловчилар билан учрашганда эшитяпмиз. Ҳокимларнинг ҳам ишга бўлган муносабати ўзгарганини сезяпмиз, халқнинг ичида уларни қийнаётган муаммолар билан доимий ишлаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Айтиш жоизки, бугун ҳокимларда ташаббускорлик ошган, халқ ичида юриб, муаммоларга ечим изламоқда. Ўз ҳудудларининг иқтисодий салоҳиятини ошириш учун янгидан-янги бизнес лойиҳаларни амалга оширмоқда. Энг муҳими, кўплаб туманларда кичик саноат зоналари ташкил этилиб, буларнинг барчасига ижро ҳокимияти вакиллари масъуллик қилмоқда.

Шунга қарамай, ижтимоий тармоқларда ҳокимларни атайин обрўсизлантириш ҳолатлари учраб турибди. Тўғри, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Аммо ҳокимларимиз томонидан халқимиз манфаати йўлида амалга оширилаётган хайрли ишларни ҳеч ким инкор қила олмайди. Чунки жойлардаги, айниқса, қишлоқ ҳудудларидаги янги манзаралар чирой очаётган юртимиз кўркига кўрк қўшаётгани, айни ҳақиқатдир.



**Бегали ҚОДИРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**O‘zLiDeP фракцияси аъзоси**

ТУҲФА

# ЯНГИ ЙИЛНИНГ ЯНГИ СОВҒАСИ

## O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгашининг замонавий маъмурий биноси очилди



**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Жиззах вилоят кенгашининг янги маъмурий биноси тантанали очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Акмал Аҳмедов бошчилигидаги “Euro Asia motors” МЧЖ қурувчилари бунёд этган иморат замонавий дизайн, оригинал меъморий ечими ва бошқа жиҳатлари билан шаҳар кўркига кўрк бўлиб қўшилди. Икки қаватдан иборат бино автоном иситиш тизимига эга. Ҳар бир хона совуткичлар ва бошқа маиший техника билан жиҳозланган. Бино ҳовлисида автомобиль тураржойи, дам олиш айвончаси жойлашган. Партия фаоллари бино ҳовлисига 160 туп терак, 10 дона арча, 12 дона чинор, 4 туп хурмо, 4 туп гилос, 4 туп олма... жами 200 дан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқаздилар. Ҳовлида яратилаётган боғ алоҳида суғориш тизими билан таъминланган.

Байрамона безатилган маъмурий бинонинг расмий очилиш маросимида O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходими Акром Алимов, партия вилоят кенгаши раиси Эркин Холматов, Жиззах шаҳар ҳокими Комил Холмуродов, Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиётов, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, фахрийлар, электорат вакиллари, партия фаоллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар тадбиркор ва фермерлар манфаатини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш дастури билан сиёсий майдонга чиққан O‘zLiDeP бугунги кунда мамлакатимиздаги етакчи сиёсий кучга айланганини, амалий ишлар партияси сифатида ном чиқарганини таъкидлашди.

– Партиямиз ташкил этилганига 18 йилдан ошган бўлса-да, шу кунгача O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши ўз биносига эга эмас эди, – деди халқ депутлари вилоят кенгаши депутати Фарҳод Одилов. – Бугун, мана, янги бино партия фаоллари ихтиёрига топширилгани Янги йил байрамига ўзига хос туҳфа бўлди.

O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши сўнгги йилларда ҳам сифат, ҳам сон жиҳатдан ўсди. **2016** йили бошланғич партия ташкилоти **582** тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда **862** тага етди. Партия аъзолари сони **2016** йили **17 122** нафар эди, айни пайтда **80** мингдан ошди. Бу эса партиямиз сафида бўлиш истагидаги фаол, фидойи ҳамюртларимиз сафи кенгайиб бораётганини кўрсатади. Улар орасида ёшлар кўпчиликни ташкил этаётгани, айниқса, қувончли ҳол.

– Айни пайтда халқ депутатлари вилоят кенгашида 27 нафар (47,4 фоиз), халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларида 119 нафар (35,1 фоиз) O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари электорат вакиллари бўлган тадбиркор ва фермерларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга ҳудудларда аҳолини қийнаб келаётган кўплаб муаммоларни партиявий воситалар орқали бартараф этишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар, – дейди O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши аппарат раҳбари Шерзод Маматқулов. – “Депутат ва тадбиркор” мулоқот форуми ва “Депутат ва ёшлар” учрашувларида ҳар бир мурожаат доимий назоратга олинмоқда. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган хонадонлар, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, хусусий ва оилавий тадбиркорликка жалб қилиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. “Маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилгач, депутатларимиз, партия фаоллари маҳаллий ҳокимлик, сектор раҳбарлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда уйма-уй юриб, аҳоли муаммоларини ўрганиш, бартараф этиш йўлларини излаш, томорқа хизматини ривожлантиришга камарбаста бўлмоқдалар.

Тадбир давомида қурувчиларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Улар рамзий калитни O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши раиси Эркин Холматовга топширди. Сўнгра меҳмонлар янги маъмурий бинода яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди.

**O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати**



# ҲАР БИР ҚАЛБНИ ҚУЁШ ЯНГЛИҒ ЁРИТСИН

**Яна бир йилни мозийга кузатиб, Янги – 2022 йилга қадам қўйдик. 2021 йил жуда баракали йил бўлди. Биз интилаётган мунаввар манзил – Янги Ўзбекистон учун мустаҳкам пиллапоя вазифасини бажарди.**

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва салоҳиятини белгилашда муҳим давр бўлди. Иқтисодиётдаги юксалишлар ёки ижтимоий соҳадаги янгиланишларни айтайликми, Ўзбекистоннинг яқин ва узоқдаги давлатлар ўртасидаги муносабатлариними, спортдаги оламшумул ғалабаларними, қўйингки, барча-барчаси мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат ва халқимизнинг амалга оширилаётган изчил ислоҳотларга хайрихоҳлиги самарасидир.

Бинобарин, халқимиз тарих зарварақларидан ўрин олган 2021 йилни катта орзу умидлар билан қарши олди. Айниқса мени 2022 йилга Президентимиз томонидан берилган ном жуда қувонтириб юборди. Чунки янги йилда мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегияси сари саъй-ҳаракатларимиз кўлами янада авж олади. Бунда айнан "Инсон қадри учун" эзгу ғояси дастуриламал вазифасини ўташи шубҳасиз.

Янги йилга берилган номнинг инсон қадрини улуғлаш деб аталган қисмига тўхталадиган бўлсам, аллақачон дунё ҳамжамиятида Ўзбекистон халқпарвар, инсонпарвар давлат сифатида тилга туша бошлади. Бунга юртимизда кам таъминланган, ночор оилаларни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш юзасидан амалга оширилаётган ишларни кўрсатсак ўринли бўлади. Биргина оддий мисол, Қашқадарё вилоятида Янги йил арафасида 180 та оила янги уйга кўчиб кирди. Ёки Меҳрибонлик уйларида тарбияланган болалар давлат томонидан янги уйлар билан таъминланди. Ногиронлиги бор фарзандлар тарбияланаётган оилаларга 800 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Аминманки, 2022 йилда инсон қадрини улуғлаш даражаси янада юксалади, бунда нафақат давлатимиз қўллаб-қувватлови, балки юртини, халқини чин дилдан севувчи ватанпарвар ҳомийларимиз ҳам ёрдам қўлларини чўзишади. Боиси, инсонни улуғлаш, кам-кўстига қарашиб юбориш инсонийликнинг энг улуғ фазилатидир.

Фаол маҳалла, бу жуда катта тушунча. Фаоллик фақат маҳалла ҳудудини, инфратузулмасини обод қилиш эмас, балки шу ҳудудда яшовчи аҳолини, кексаю ёшни жамиятда фаол бўлиши, юртга нафи тегиши, мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиши, билимли ва салоҳиятли бўлиши демакдир. Ҳар бир фуқаро ўз маҳалласи билан фахрланиши керак. Камчиликлар ёки муаммоларни кўтариб чиқиш билан чекланиб қолмасдан уни бартараф этиш ҳақида ҳам жиддий бош қотириш лозим.

2022 йилда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улуғвор ҳаракатларимиз бардавом бўлсин! Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида фидойилик, жонбозлик кўрсатайлик. Зотан, улуғ аждодларимизга муносиб ворис бўлиш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

**Исмигул ХУШМУРОДОВА,**
**Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати,**
**Қарши давлат университети қошидаги академик лицей директори**

# БАЙРАМ БАҲОНАСИДА ЙЎҚЛОВ



**Айни кунларда касб байрамларини нишонлаётган "Навоий ИЭС" АЖнинг ҳар бир ходими бу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, вазифаларини сидқидилдан бажариб келишмоқда.**

Улар орасида мамлакат сиёсий ҳаётида ўзининг дахлдорлик ҳиссини чуқур англаган ва партия аъзолигини қабул қилиб, қизиқишларини энергетика соҳаси билан қўшиб олиб бораётган ишчи-хизматчилар ҳам бор.

МДҲ мамлакатлари бўйлаб қабул қилинган энергетиклар куни муносабати билан ташкил қилинган анжуманда соҳада узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилиб келаётган станция ходимларининг 3 нафарига "МДҲ мамлакатларида хизмат кўрсатган энергетик" кўкрак нишони берилди. Шунингдек, яна бир гуруҳ энергетиклар "Навоий ИЭС" раҳбарияти ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси томонидан кўкрак нишони, эсдалик совғалари, ташаккурнома ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Қувончли кунда O'zLiDeP ҳудудий партия ташкилоти ўзининг ушбу жамоадаги аъзоларини совғалар билан мукофотлаши нур устига нур бўлди.

– Энергетика ҳаётимизда нечоғли аҳамиятга эгалигини таъкидлашга ҳожат йўқ. Уйларимизда иссиқлик ва ёруғлик улашадиган, ишлаб чиқариш корхоналарида ускуна ва дастгоҳларни ҳаракатга келтирадиган ва умуман барча соҳада асосий ўрин тутадиган жабҳа, шубҳасиз, энергетикадир, – деди жамият касаба уюшмаси қўмитаси раиси Н. Бобақандов.

**Муҳайё ПИРНАФАСОВА,**
**O'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати**

**Қарлиқ – Муборак газни қайта ишлаш заводи масъулияти чекланган жамият ёнидаги қишлоқ. Лекин бу ердаги аҳоли табиий газ йўқлиги боис газ баллонларини ортмоқлаб, туман маркази томон қатнашарди. Акромнинг эса уларга қандай ёрдам беришни билолмай боши қотарди. Охири қишлоқдаги фермерларни бир жойга тўплаб, газ қувурлари тортишда ҳомийлик қилишларини сўради. Аммо улар иқтисодий жиҳатдан бақувват эмасликлари, табиий газ ўтказишни давлат дастурига киритиш кераклигини айтишди.**

# БУГУННИНГ ОДАМИ

## ёхуд Муборак туманидаги 22-Бўстон сайлов округидан халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига сайланган Акром Наврўзов фаолиятига бир назар



*Ўнгдан биринчи – 22-Бўстон сайлов округидан халқ депутатлари туман кенгаши депутати Акром Наврўзов*

Бир нечта идорага қилган мурожаатлари жавобсиз қолгач, эл хизматига камарбаста бўлиш учун халқ депутатлари туман кенгашига депутатлигига бўладиган сайловда номзодини қўйди. Қишлоқ аҳолиси фермер йигитга ишонч билдиришди. Тадбиркорлиги, изланувчанлиги боис фермер хўжалигини гуллатиб қўйган инсон элга ҳам қайишиб қолар деган умид бор эди сайловчиларда. Қарлиқ фарзанди қўлига депутатлик мандатини олгач, партиянинг туман кенгаши раиси ҳузурига йўл олиб, қишлоққа табиий газ келтиришда O'zLiDeP депутатлик гуруҳи кўмаги зарурлигини билдирди.

– Акромни кўп йиллардан буён биламан, – дейди O'zLiDeP Муборак туман кенгаши раиси, депутат Панжи Жалилов. – Қисқа фурсатда ўзини нималарга қодир эканини исботлай олди. Доимо сайловчилари билан учрашиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларни ижобий ҳал этишга вақт ва имкон топаяпти. Кўп йиллардан буён тадбиркорлик билан шуғулланиб келмоқда.

> Туманда биринчи бўлиб хориждан наслли чорва моллари келтирган ҳам шу йигит. Мунтазам равишда боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронларнинг ҳолларидан хабар олиб, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатади. Ўнлаб ёшларга иссиқхона қуриш учун ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак берган. Мурожаат қилган кишини ноумид қайтармайди.

Муаммосини ижобий ҳал этмагунча, тиниб-тинчимайди. Қишлоққа газ олиб келиш мақсадида зарур бўлган тақсимлаш станциясини қурдириш учун икки ой югурди. Ниҳоят орзусига эришиб, станция ишга тушгач, ёнидаги майдонлар ва хонадонларда иссиқхоналар ташкил этишни бошлаб юборди. Бу элликка яқин ёшларни иш билан таъминлаш дегани. Бугун қишлоқда 100 дан ортиқ иссиқхона мавжуд бўлиб, етиштирилаётган помидор, бодринг, кўкат ва цитрус мевалар нафақат Муборак тумани бозорларида, балки Қарши шаҳридаги йирик супермаркетларда ҳам сотиляпти. Қишлоқда оқова сув бор. Одамлар томорқа хўжалигидан яхшигина даромад топиб, рўзғорларига барака киритишяпти. Кексалар ҳамқишлоқларининг таянчи ва суянчига айланган депутатга омад тилаб дуолар қилишаётир.

Тажрибали иқтисодчи, туман кенгаши раиси Панжи ака Жалилов таъкидлаганидек, қаҳрамонимиз қишлоқдошлари ташвишини ўз ташвиши деб билади. Ҳудудда ўттиз мингга яқин аҳоли яшайди. Уларнинг аксарияти ёшлардан иборат. Депутат ҳар йили ўнлаб ёшларни иш билан таъминлайди. Якунланган йилда 10 нафар ёшни туманда фаолият кўрсатаётган кластерга ишга жойлаб қўйди. 4 нафар йигитга туман банкларидан молиявий кўмак олиб беришнинг иложини топди. "Темир" ва "Ёшлар" дафтарларига кирган 6 нафар йигит-қизни ишга олди. Ўзи раҳбарлик қилаётган "Нуриддин" фермер хўжалигида 180 гектар ер бўлиб, 60 гектар майдонда пахта, 70 гектар майдонда ғалла, 50 гектар майдонда эса чорва моллари учун озуқа етиштирилади. Ўтган йили хориждан 80 бош "Эстон" ва "Қизилчўл" зотли чорва моллари келтирди. Олинган фойда эвазига сут ва гўштни қайта ишлаш, мевани қуритиб қадоқлаш технологияларини яратишни режалаштирган. Бу цехларнинг барчаси насиб этса ўзи яшаб турган қишлоқда ишга туширилади. Қарлиқдаги 30-мактаб ўқувчилари синфхоналар етишмаслиги сабабли икки сменада таҳсил олишар, қишнинг совуқ кунларида ёш болалар, айниқса, кўп азият чекишарди. Ота-оналар ёрдам сўраб келишгач, тегишли идораларга сўровномалар билан чиқиб, мактабда қўшимча бино қурилишига бош-қош бўлди. Айни пайтда қишлоқ кўчаларида иш қизғин. Одамлар газ қувурлари тортаётган газчиларга кўмакка шошилишган. Янги йил арафасида қишлоқнинг иккита кўчасидаги хонадонларда табиий газ ёнди. Байрам дастурхонига тортилган турфа хил таомларни хонадон бекалари "зангори олов" тафтида тайёрлашди. Наврўз байрамига қадар барча ҳовлиларда табиий газ порлайди. Қишлоққа борганимизда замонавий газ плиталари ортилган машиналарни кўрдик. Бир нечта пазанда хотин-қизлар ширинлик ва пишириқлар тайёрлайдиган цех очиш учун ҳужжат тайёрлашаётган экан. Назаримизда "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"дек бахтли йилни қарлиқликлар юз йилдан буён билишмаган бўлса керак. Депутат қишлоқ кўчаларини равонлаштириш, симёғочларни замонавийларига алмаштириш, кўчаларга ёритиш чироқлари ўрнатиш, замонавий маҳалла гузарини ташкил этиш учун елиб югурмоқда.

Муборак тумани заводлар оралиғида жойлашганлиги боис, нефть ва газ корхоналаридан чиқаётган заҳарли газлар туфайли оғир экологик ҳудуд ҳисобланади. Улар таъсирини камайтириш ҳамда туман ҳудудида атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида муборакликлар Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасида фаол иштирок этишди. Бу борада O'zLiDeP депутатлари ва фаолларининг хизматлари беқиёс бўлди. Туман ҳудудида 800 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Фермер хўжаликларининг экин майдонлари четларига 167 минг туп, қишлоқларда эса 157 минг туп, қишлоқ хўжалиги ерларида иҳота дарахтзорлари ташкил этиш мақсадида 24 минг туп сувсизликка чидамли кўчатлар экилди. Депутатлар ва йирик БПТ фаоллари томонидан кам таъминланган оилалар хонадонлари ва қишлоқ ва шаҳар кўчаларига ўтқазиш учун дарахт кўчатлари туҳфа этилди. Акром Наврўзов ҳам ўз ҳисобидан ўнлаб хонадонлар ва Қарлиқ МФЙ кўчаларига ўтқазиш учун мевали ва манзарали кўчатлар олиб берди. Чўл ҳудудларида саксовул уруғлари сепилмоқда. Наврўз байрамига қадар кўкаламзорлаштириш ишлари давом эттирилади. Депутат аҳоли томорқаси ерларидан унумли фойдаланиш мақсадида оқова сув йўқ лалмикор майдонларда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиб, иссиқхоналар ташкил этиб, гидропоника усулда сабзавот ва цитрус мевалар етиштиришни йўлга қўйиш, ёнғоғи қўй-эчкилар учун яхшигина озуқа бўлган дуб-акация ва глядичие дарахтлари кўчатларидан экиб, чорвачилик учун озуқа базаси яратиш ҳамда экинларни чўл гармселидан асраш ташаббусини илгари сурмоқда.

– Қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида туман кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз аъзолари билан бамаслаҳат ҳолда амалий ишларни бошлаб юбордик, – дейди **22-Бўстон сайлов округидан халқ депутатлари туман кенгаши депутати Акром Наврўзов.** – Илгари кўпчилик давлат хўжалигида ишларди. У тугаб кетгач, трактор саройини бир киши эгаллаб олганди. Шунча йилдан буён на ўзи ишлатади, на бировга беради. Каттагина майдон эгасиз, ҳувиллаб ётибди. Биноларни бузиб, сотиб юборишяпти. Мен ўша ерда саноат зонаси ташкил этиш кераклигини билдириб, туман кенгашига хат билан чиқдим. Депутатлик гуруҳимиз буни қўллаб-қувватлади. Саноат зонасидан 50 га яқин тадбиркорлик субъектлари ўрин олади. Хусусан, блок ғишт ишлаб чиқариш, темирчилик устахонаси, пластик эшик-ромлари, темир ва ёғоч эшик-дарвозалар, иссиқхона ускуналари ишлаб чиқариш, барча турдаги автомобиллар ва қишлоқ хўжалик техникаларига техник ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мини-стадион, кондиционер, музлатгич ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш устахоналари ташкил этиш учун ёшлар бизнес лойиҳаларини тайёрлаб қўйишибди. Агар биз ана шу майдонни кичик саноат зонасига айлантира олсак, қишлоқдошларимизнинг мушкулини осон, узоғини яқин қилган бўламиз. Оддийгина музлаткичини тузаттириш учун Қарши шаҳрига қатнашади. Замонавий "Гўзаллик салони" ва тикувчилик цехлари қишлоқда ишлаб турса, ёшларимиз қимматли вақтларини йўқотиб туман маркази ёки Косон шаҳрига қатнашмайди. Энг муҳими, юзлаб ёшлар тадбиркорлик субъектларига асос солишиб, оила аъзолари ва тенгқурларини иш билан таъминлашади.

Хуллас, партиямиз депутатининг мақсади битта – аҳоли бандлиги ва фаровонлиги юксалишга ҳисса қўшиш, одамларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг янги-янги ташаббусларига кўмаклашишдир.

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
**"XXI asr" мухбири**

www.21asr.uz
@XXIasrofficial
XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
6-yanvar 2022-yil 1 (947)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

# ДЕПУТАТ ВА САЙЛОВЧИ:
## ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан хабар олинмоқда

**Айни кунларда O‘zLiDeРдан сайланган халқ вакиллари кам таъминланган, ёрдам ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш мақсадида хайрия тадбирлари ўтказишяпти. Жумладан, Халқ депутатлари Кегейли туман кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Нурсулув Елмуратова ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўзи сайланган ҳудудда истиқомат қилувчи қатор оилалар ҳолидан хабар олди. Хонадон соҳибларини Янги йил байрами билан табриклаб, турли совғалар улашди.**







# Тахтакўпирда очиқ мулоқот

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТАХТАКЎПИР ТУМАН КЕНГАШИДАГИ O‘ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ АЪЗОСИ ҚУАТ ЕЛМУРАТОВ 19-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ.**

Очиқ мулоқотга айланган тадбирда мутасадди ташкилотлар вакиллари, маҳалла фаоллари иштирок этди. Депутат ўз электоратига 2021 йилда олиб борган ишлари бўйича ҳисобот берди.

Депутатлик фаолияти давомида сайловчилар таклифларини тинглаш, юзма-юз суҳбатлашиш орқали мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида амалга оширилган вазифалар талайгина. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да турганларни ушбу рўйхатлардан чиқаришга қаратилган ҳаракатлар натижаси сарҳисоб қилинди.



Учрашувда сайловчиларнинг мулоҳазалари ҳам атрофлича тингланди. Хусусан, ишсизликни камайтириш, чет элга чиқиш учун фуқаролик паспортини олиш, шунингдек, таълим кредитини ажратишга оид масалалар ўрганилди. Кўтарилган мавзуларнинг аксариятига шу ернинг ўзида кераклик тавсия ва маълумотлар берилган бўлса, айримлари депутатлик ваколати доирасида назоратга олинди. Учрашув давомида янги – 2022 йилда қилиниши керак бўлган вазифалар белгилаб олинди.

## ҲУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР



НАМАНГАН

# 50 НАФАР ХОТИН-ҚИЗ O‘zLiDeP АЪЗОСИ

**УЙЧИ ТУМАНИДАГИ “БЕГОЙИМ ТЕКСТИЛЬ” ХУСУСИЙ КОРХОНАСИДА АСОСАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШЛАЙДИ. 30 НАФАРИ МАХСУС ИШ КИЙИМ, АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҚИШКИ КИЙИМЛАРИ ТАЙЁРЛАШ БИЛАН БАНД.**

– Бу ер аввал чиқиндихона эди. Юртимизда тадбиркорлик учун яратилаётган имкониятлар менга шижоат берди, вақтдан унумли фойдаланишга ундади. Аёллар бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини яхшилашни мақсад қилдим, – дейди корхона раҳбари, ёш тадбиркор Севара Олимова.

Севара “Ахси фарель сервис” фермер хўжалигини ҳам ташкил этган. Хўжаликда 20 нафар ишчи асосан баliқчилик билан шуғулланади. Маҳсулотлар ички бозорга пешма-пеш етказиб берилмоқда.



Қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон билан 5 миллиард сўмлик экспорт шартномалари имзоланди. Ишбилармон мева-сабзавот қадоқлашни ҳам йўлга қўймоқчи.

Дарвоқе, яқинда айни корхона ва фермер хўжалигининг 50 нафар ишчи-ходими бирваракайига O‘zLiDePга аъзо бўлди.

БУХОРО

# ЎҚУВЧИЛАР МЎЙНАЧИЛАР ҲУЗУРИДА

**БУХОРО ҚОРАКЎЛИ АЗАЛДАН СИФАТИ ВА ЭКСПОРТБОПЛИГИ БИЛАН ДУНЁГА МАШҲУР. ҚОРАКЎЛ ТУМАНИДАГИ “МЎЙНАЧИ – ҚОРАКЎЛ” КИЧИК КОРХОНАСИДА ҚОРАКЎЛ ТЕРИСИДАН ЎНДАН ОРТИҚ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ. УЛАР ГЕРМАНИЯ, ИТАЛИЯ, ТУРКИЯ, РОССИЯ КАБИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА. ҚУВОНАРЛИСИ, ҚЎЛИ ГУЛ ИШЧИ-ХОДИМЛАРНИНГ 15 НАФАРИ ЁШЛАР.**

O‘zLiDeP Қоракўл туман кенгаши ташаббуси билан ёшларни тадбиркорликка йўналтириш бўйича учрашувлар ташкил этиб келинмоқда. Шундай тадбирлар доирасида партия аъзоси Умиджон Ҳасанов раҳбарлигидаги 47-мактаб битирувчиларининг “Мўйначи – Қоракўл”га саёҳати уюштирилди. Корхонанинг тажрибали ишчилари ўқувчиларга маҳорат-дарслари ўтиб беришди. Теричиликда бошланғич малакага эга бўлган ва соҳага ҳаваслари ортган аксар ўғил-қизлар келгусида шу жамоада ишлаш истагини билдиришди. Бу эса учрашувнинг нечоғлик самарали ўтганидандир.



ФАРҒОНА




# АЪЛОЧИЛАРГА ДЕПУТАТ СТИПЕНДИЯСИ ТОПШИРИЛДИ

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚУВАСОЙ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ АЗИЗБЕК ҚОСИМОВ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ ҚУВАСОЙ ШАҲРИДАГИ 4-МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН СТИПЕНДИЯ ТАЪСИС ЭТГАНДИ.**

Ваъдага вафо деганларидек, анъана давом этиб келмоқда. Шу боис ноиб ўқув йилининг II чораги давомида синфлар ўртасида энг юқори натижага эришган, фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган 23 нафар аълочи ўқувчига пул мукофотини топширди.

Тақдирлаш маросимида иштирок этган мактаб жамоаси ва ота-оналар ушбу ташаббус ёшларнинг илмга рағбатини янада оширишини эътироф этишди.

**O‘zLiDeРнинг ҳудудий кенгашлардаги матбуот хизматлари материаллари асосида тайёрланди.**

## “XXI ASR” ЖАВОБ БЕРАДИ

# Аризамизни қабул қилишмади...



*Ўтган йили Тошкентдаги бир ташкилот билан қурилиш материаллари етказиб бериш бўйича шартнома туздик ва шартнома шартларига кўра олдиндан унинг ҳисоб рақамига 230 000 000 сўм пул маблағи ўтказиб бердик. Бироқ бу ташкилот дастлаб пандемия, кейинчалик эса ишлаб чиқариш фаолиятини тўғри йўлга қўя олмай молиявий жиҳатдан қийналганини рўкач қилиб, қурилиш материалларини етказиб бермади, пул маблағимизни ҳам қайтармади. Шундан сўнг биз Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, у ташкилотдан тўлаган пул маблағимиз ва пул маблағимиздан бир йил давомида ноқонуний фойдалангани учун банк фоизи ундириб беришни сўрадик, бироқ у ташкилотга нисбатан банкротлик иши қўзғатилгани, шунга кўра биз унга нисбатан алоҳида даъво билан мурожаат эта олмаслигимиз асос сифатида келтирилиб, даъво аризамизни қабул қилиш рад этилди.*

*Шу адолатданми, энди қаерга мурожаат қилишимиз керак?*

**С. БОТИРОВ,**
**тадбиркор**

“Банкротлик тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасида иқтисодий суд банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризани иш юритишга қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини қаноатлантириш мақсадида якка тартибда мурожаат қилишга ҳақли эмасликлари белгиланган.

Олий хўжалик суди пленумининг 2006 йил 27 январдаги “Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 6-бандида агар банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан кейин қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза берилгунга қадар пайдо бўлган қарзни ундириш ҳақида кредитордан иқтисодий судга даъво аризаси келиб тушган бўлса, даъво аризасини қабул қилиш Иқтисодий процессуал кодекси 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ рад этилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Шундан келиб чиқиб, сизнинг даъво талабингиз қаратилган шахсга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва банкротлик иши қўзғатиш ҳақидаги ариза берилгунга қадар пайдо бўлган қарзни талаб этаётганингиздан келиб чиқиб, суд даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этган.

Энди қарздорга нисбатан талаблар, шу жумладан, сизнинг пул маблағини ундириш тўғрисидаги талабингиз ҳам банкротлик иши доирасида ҳал этилади, шунга кўра сиз қарздорнинг тугатиш бошқарувчисига ҳақдорлигингизни исботловчи далилларни илова қилиб, кредиторлар талаблари реестрига қўшишни сўраб мурожаат этишингиз, агар талабингиз ўринсиз рад этилса, унда судга мурожаат этишингиз мумкин бўлади ва шунда ушбу талабингиз банкротлик иши доирасида суд томонидан кўриб чиқилади.

# Раҳбар имзоси йўқлиги панд берди



*Пойтахтдаги дори воситаларини етказиб берувчи етакчи корхоналардан биримиз. Бизнинг шартлашувчи томонларимиз олган дори воситаларининг ҳақини тўламагани учун Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат этгандик. Лекин даъво аризалари раҳбар томонидан эмас, балки факсимиль ёрдамида имзолангани асоси билан кўрмасдан қолдирилди, раҳбар хизмат сафарида бўлгани учун даъво аризасини шахсан ўзи имзоламаган эди. Энг қизиғи, суд мазмунан кўрмаган иши учун даъво тақдим этишда тўлаган давлат божимизни ҳам қайтармасдан, ўзимизнинг зиммамизда қолдириш ҳақида ажрим қилди, буни қандай изоҳлаш мумкин?*

**З. ҲАМИДОВА,**
**тадбиркор**

Олий суд пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 24-бандида ИПК 149-моддасининг биринчи қисми мазмунига кўра даъво аризаси даъвогарнинг раҳбари ёки унинг вакили томонидан ўз қўли билан имзоланган бўлиши лозимлиги, бунда имзонинг механик ёки бошқа нусха кўчириш воситалари орқали амалга оширилишига, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, йўл қўйилмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иқтисодий процессуал кодекси 107-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида даъво аризаси имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, суд даъвони кўрмасдан қолдириши белгиланган.

Сизнинг корхонангиз томонидан тақдим этилган даъво аризалари раҳбар томонидан ўз қўли билан имзоланмасдан, балки механик ёки бошқа нусха кўчириш воситалари орқали амалга оширилганлиги даъвони кўрмасдан қолдириш учун асос қилиб олинган.

Тўлаган давлат божингиз масаласига келсак, ушбу асос билан даъво кўрмасдан қолдирилганда “Давлат божи тўғрисида”ги қонунининг 5 ва 18-моддаси талабларига кўра давлат божи даъвоси кўрмасдан қолдирилган шахс зиммасига юкланади.

Шу билан бирга, агар суднинг даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажримларидан норози бўлсангиз, у ҳолда процессуал қонунда назарда тутилган тартиб ва муддатни инобатга олиб, апелляция шикояти билан мурожаат қилишингиз ёки ажримларда баён этилган камчиликларни бартараф этиб, умумий асосларда яна даъво билан такроран мурожаат қилишга ҳақли эканингиз тушунтирилади.

**Саволларга Тошкент туманлараро иқтисодий судининг раиси Сарвар СОЛИЕВ жавоб берди.**

АНДИЖОНДАГИ АЖАБ ҲАНГОМАЛАР

# КАЛАВАНИНГ УЧИ БОР, ОХИРИ ЙЎҚ!

**БИЗ – ОДАМЛАР ЎЗАРО ИШОНЧ ҲАҚИДА КЎП ГАПИРАМИЗ. ИШОНЧ – ИНОНЧ – ИШОНИШ... ҚАДРИЯТМИ Ё СОДДАЛИК? БАЛКИ БИРОР МАНФААТДОРЛИК ТУФАЙЛИДИР? ҲАР НЕ БЎЛГАНДА ҲАМ ЎЗАРО ИШОНЧ БЎЛИШИ УЧУН АВВАЛДАН РИШТАЛАР БОҒЛАНГАН БЎЛИШИ КЕРАК. У МАЪНАВИЙ ЁКИ МОДДИЙЛИК ВАЖИДАНМИ, ЎША ИШОНЧНИНГ ОҚИБАТИДА МАЪЛУМ БЎЛАДИ. ГАЗЕТАМИЗНИНГ УШБУ СОНИДА ХУДДИ ШУ МАВЗУГА ОИД БИР МАНЗАРА-ВОҚЕЛИКНИ КЕЛТИРАЯПМИЗКИ, БАЛКИ СИЗГА-ДА ТАНИШ ЧИҚАР...**

***

## 2016 ЙИЛ ЭДИ

Зоир Шодмоновнинг укаси Япония давлатига ишлаш учун кетадиган бўлдию, бироқ маблағ масаласида ака-уканинг боши қотди. Қарз кўтаришсамикан?.. Вақт тиғиз, сўнгги нажот ҳам шу эди, гўё.

Шундай қилиб, З. Шодмонов таниши Д. Ашуровдан икки ойда қайтариш шарти билан 40 миллион сўм қарз олди. Ука кунчиқар юртга учиб кетди. Муаммо ҳал бўлди. Аммо ҳаш-паш дегунча икки ой ҳам ўта қолди. Чин, вақтдан фақат хаёлгина учқурроқ чиқади. Хуллас, Д. Ашуров ўша маблағни ҳали йиғиб улгуролмаган аканинг уйига танда қўйди: – Пулни қайтари-и-инг!

Лекин жўнатилажак пул шу пайтгача келмади-да. Ука ҳам мусофир элда уёқ-буёғини саранжомлаш пайида бўлгандир ҳойнаҳой...

Бу орада ҳақдор Д. Ашуров сўнгги келишида бир “таклиф”ни ўртага ташладики, З. Шодмонов аросатда қолади.

Мана ўша таклиф:

“...Каттагина узум боғ ташкил қиляпман, мана, берилган ер майдонининг ҳужжатлари. Аммо кредит олишда гаровга қўйилаётган мулкларимиз етмаяпти. Шунга сиз ўз мулкингизни гаровга қўйиб бериб турсангиз, қарзингизни қайтаришингиз билан мулкингизни гаровдан чиқариб берардик... ”

Д. Ашуровнинг фикри чинданам қарздорни мушкул савдога қўйганди. Бир томондан шу билан уйигача бўлаётган “ташрифлар”га чек қўйилса, иккинчи томондан “мулкни йўқотиб қўймасмиканман” деган ўй...

Алқисса, ишора этилган мулк гаровга қўйилди. Пича ўтиб, аниқроғи, 2019 йилда З. Шодмоновнинг ўзи ҳам Япония давлатига ишлаш учун чиқиб кетди. Бир йил ўтар-ўтмай яқин дўсти орқали қарзнинг катта қисмини қайтарди. Яъни, дўстига хориждан пул юборди, дўсти эса ўзининг фирмаси орқали 36 миллион сўм маблағни “Elmurod uzumlari” фермер хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказиб берди. Мақсад, қарз юзма-юз қайтарилмагани боис эрта бир кун муаммо туғилмасин. Тўлов варақаси – далил!

Бир йилдан сўнг З. Шодмонов чет элдан қайтгач, қолган 4 миллион сўмни келишувга асосан фермер хўжаликнинг ойлик кредит тўлови учун тўлаб берди.

Шу билан 5 йил муддат илгари олинган қарздан қутулди. Лекин буёқда бошқа машмашалар кутиб турганди уни...





## БУНДАЙ ҚАРОРНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ

З. Шодмонов Андижоннинг Марҳаматидан. Хўрсиниш-надомати бисёр. Яхшиси, воқеани унинг тилидан эшита қолайлик:

“Elmurod uzumlari” фермер хўжалиги раҳбари Ашуров Маҳаммаджон Элмурод ўғли. Унинг акаси Дилмурод Ашуров эса фермер хўжалигининг норасмий, яъни “кадр ортидаги” раҳбари эканини, афсус, кеч билдим. Ўшанда Дилмурод ўзини фермер хўжалиги раҳбари сифатида кўрсатиб, фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида қўшимча узум боғи ташкил қилиш ҳақидаги режасини айтганди. Мени ишонтириш учун Марҳамат тумани ҳокимининг 2016 йил 19 апрель кунги 216-Қ сонли қарорини кўрсатган ва ҳокимлик томонидан 5.2 гектар ер майдонига боғ барпо қилишларини, боғ қилиш учун кредит маблағи зарурлигини, таъминоти учун оиламизга тегишли бўлган мулкни гаровга қўйиб туришимизни илтимос қилди. Ишончимизга кирди, аммо ўшанда Дилмурод Ашуровнинг алдови қурбонига айланаман, деб сира ўйламагандим.

Гувоҳи бўлганим – “Асакабанк” АТБ Асака филиалига тақдим этилган кредит олиш учун тайёрланган бизнес лойиҳасида узум кўчатлари, улар орасига қўйиладиган шпаллер, симлар учун 7 йиллик (84 ой) муддатга йиллик 9 % устамада 300 000 000 сўм, узум кўчатларини суғориш учун сув олиб келишга трубалар, сув тортиб чиқариш сув насоси ҳамда электр энергия трансформатори, уларнинг кабелларини сотиб олиш мақсадида 6 йил муддатга йиллик 9 % устамада 150 000 000 сўм, жами 450 000 000 сўм кредит маблағи кўрсатилган. Табиийки, мазкур маблағ учун банкдан гаров таъминоти сўралади. Ушбу масала ечими учун Дилмурод Ашуров қистовини рад этолмаганим катта хатоим бўлган экан. Хуллас, шахсий мулкимиз бўлган Марҳамат шаҳар ал-Бухорий кўчасида жойлашган, умумий майдони 134,68 квадрат метр, ишлаб чиқариш майдони 92,12 квадрат метрдан иборат бўлган “Музлаткичларини таъмирлаш устахонаси” ва онам билан укамнинг ҳам айрим мулклари ҳамда бир неча бошқа фуқароларнинг ҳам мулклари билан бирга гаров тариқасида топширдик.

Иш бошланди.

Мазкур банк филиали билан “Elmurod uzumlari” фермер хўжалиги ўртасида 2016 йилнинг 30 май санасида 117-сонли кредит шартномаси тузилган.

Тузилган кредит шартномасида фермер хўжалик учун Марҳамат туманининг “Т.Мирзаев” массиви ҳудудидан туман ҳокимининг 2016 йил 19 апрель кунидаги 216-Қ сонли қарори билан янги узум боғ ташкил қилиш учун 5.2 гектар ер майдони ажратилгани кўрсатилган эди. Бироқ лойиҳада белгиланган 450 000 000 сўм кредит асосидаги узум боғи ҳамда юқоридаги ажратилган ер майдони Кадастр агентлиги Андижон вилояти бошқармаси Марҳамат тумани бўлимининг 2021 йил 10 августдаги №01-656/05-сон билан қайд этилган хатида ҳамда 2021 йил 13 сентябрдаги 678-сон билан қайд этилган хатларида кўрсатилмаган.

Демак, илк муаммо туман ҳокими қарори қонунийлигига тушган сохталик сояси... Адвокатга мурожаат қилингач, қонун ҳимоячиси масалани ўрганиш мақсадида Марҳамат тумани ҳокимлигига мазкур қарор ва унга асос бўлган ҳужжатлардан нусха олиш учун ваколати доирасида мурожаат қилди.

Афсуски, шубҳаларим аччиқ ҳақиқат бўлиб чиқди. Марҳамат тумани ҳокимлиги бош ҳуқуқшуноси Н.Сафаров имзоси билан 15.08.2021 йил кунги 10/563-сон билан берилган жавоб хатида туман ҳокимининг ушбу қарори ҳамда йиғилиш баёни мавжуд эмаслиги билдирилган.

Демак, 216-Қ сонли қарор амалда қабул қилинмаган!

Демак, бу қарор фермер хўжалиги томонидан сохталаштирилган!

Демак, биз онам ва укам билан бирга (Шодмонова Тамарахон, Шодмонов Шоирбек) алданибмиз...

Энг қизиғи, худди шу сон билан туман ҳокимлигида қайд этилган қарорда (яъни, 2016 йил 21 апрелдаги 216-Қ сонли қарор) “бир бошқа вояга етмаган шахсга ҳомий тайинлаш ҳақида”ги буйрук акс этиб турибди! Кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмайсан киши...

Шу сабабдан фермер хўжалигига узум боғи учун ажратилган 5.2 гектар ер майдонига бўлган ҳуқуқ туман кадастр бўлими томонидан рўйхатга олинмаган экан.

Бироқ кредит олинди! Амалда ер майдони бўлмасдан, ҳокимликнинг 19.04.2016 йилдаги 216-Қ қарорини сохталаштириб ва ундан фойдаланиш жиноят эмасми?!

Мавжуд бўлмаган ва амалда ажратилмаган ер майдони учун 450 миллион сўм кредит олиб, узум боғ барпо қилмасдан бир қатор фуқароларни алдаб ишончига кириб, мулкларимизни гаровга қўйдириб, бизни ҳануз сарсон қилаётган бундай ноинсофларга ким чора кўради?.. Шу ўринда мени яна сарсонгарчилик қийнаётганини айтмасам бўлмайди. Ҳокимликнинг сохта қарорига нисбатан қонуний чора кўришни сўраб Асака тумани прокурори номига ёзма мурожаат қилгандим. Асака тумани прокурори ўринбосари эса ушбу мурожаатимни 2021 йил 11 сентябрда АТБ “Асакабанк” вилоят филиали бошлиғи номига юборибди! Тушунмаяпман: ҳокимликнинг сохта қарорига нисбатан қонуний муносабат билдириш ваколати банкларга берилганми ёки мени устимдан кулишяпти ёки мен чиндан ҳам билмайман... Асака тумани прокурори ўринбосарининг мурожаатимни банкка юборишдан мақсади нима?..”

## БУ ОРАДА КРЕДИТ МАБЛАҒИ ЎЗ ВАҚТИДА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ

З. Шодмоновнинг гапларини тинглаб, қандай хаёллар чулғади, сизни? Биз эса давом этамиз.

Банк кредит ўз вақтида тўланмаганлиги важи билан судга мурожаат қилиб, ундирувни гаровдаги мулкларга қаратишни сўрайди.

Навбат судга! Фуқаролик ишлари бўйича Қўрғонтепа туманлараро судининг 2021 йил 17 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан банк даъвоси қисман қаноатлантирилиб, банк фойдасига “Elmurod uzumlari” фермер хўжалиги ва “ASHURJON CHORVA DALASI” фермер хўжалиги(кафил)дан солидар тартибда 211 173 010 сўм (икки юз ўн бир миллион бир юз етмиш уч минг ўн) сўм ундириш кўрсатилади. **Ундирув гаровда турган Марҳаматдаги қатор объектлар, хусусан, А. Холмирзаевга тегишли бўлган Ғ. Ғулом маҳалласидаги эски “радиоузел биноси”, С. Жаноновга тегишли “Савдо дўкони”, М. Мўйдиновага тегишли 22-дала шийпони ва асфальтланган майдон, Н. Ҳасановага тегишли “Савдо дўкони”, М. Тоштановнинг 5-сонли бош пудрат асфальт хирмони, Шоирбек Шодмонов, Тамарахон Шодмонова ва Зоиржон Шодмоновларга тегишли “Музлаткичларини таъмирлаш устахонаси”га қаратилган. Суд қарори 2021 йил 17 октябрдан қонуний кучга кириб, ижрога қаратилган.**

Албатта, суд томонидан банкка ҳужжатлар топширишда Жиноят кодексининг 228-моддасида кўрсатилган жиноят аломатлари борлиги ҳақида 2021 йил 17 сентябрда хусусий ажрим чиқарилиб, Асака тумани прокурори хабардор қилинган.

Бошқа тарафдан, суд мажлисида “Elmurod uzumlari” фермер хўжалиги вакиллари иштирок этмаган. Шунингдек, кафил – “ASHURJON CHORVA DALASI” фермер хўжалиги масъули ҳам, гаровдаги мулклардан бирининг эгаси Минавархон Мўйдинова ҳам қатнашмайди.

## ҚИЗИҒИ ЭСА...

Маълумки, гаровдаги мулклар орасида “Найман” маҳалласида жойлашган М. Мўйдиновага тегишли 22-дала шийпони ҳам бор эди. Таассуфки, мазкур объект гаровда бўлишига қарамай, М. Мўйдинованинг Марҳамат тумани архитектура қурилиш бўлимининг 2021 йил 13 август кунги 9033-сонли хулосасига кўра 22-дала шийпони турар жой тоифасига ўтказилган. Сўнгра М. Мўйдинова ушбу ҳамон гаровда бўлган мулкни Асака тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Илҳомжон Исломов томонидан расмийлаштирилган 2021 йил 25 октябрдаги “УЙ-ЖОЙ ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ”га асосан Б. Жумабоевга 550 миллион сўмга бошқа банкнинг кредити эвазига сотиб юборган.

Худди шундай ҳолатга Абдураҳмон Холмирзаевга тегишли гаровдаги мулк, яъни “Ғ.Ғулом” маҳалласидаги эски “радиоузел биноси” билан ҳам дуч келинганига нима дейсиз? Яна “олди-сотди шартномаси”, яна бошқа бировнинг номига расмийлаштириш...

Эслатамиз: А. Холмирзаевга тегишли бўлган Ғ. Ғулом маҳалласидаги эски “радиоузел биноси”, М. Мўйдиновага тегишли 22-дала шийпони ва асфальтланган майдон суд қарори билан ундирувга қаратилган.

***

З. Шодмонов томонидан Асака туман прокуратураси, Марҳамат тумани ИИБларга қилинган мурожаатлар жавоби эса деярли бир хил: Д. Ашуровнинг тушунтириш хатига асосан етарли гувоҳлар ва далиллар мавжуд бўлмаганлиги боис мурожаатда кўрсатилган ҳолатлар ўзининг тасдиғини топмаган.

Дарвоқе, буёқда “деди-деди”лар ҳам бор: З. Шодмоновнинг чапанича айтганда, “аризабозлик” қилиб ёзганидан сўнг гўёки “Elmurod uzumlari” фермер хўжалиги томонидан бошқа фермерни ерига боғ барпо қилинган эмиш, қилинган боғ эса қуриб қолганмиш, боғ ўрнида эса шпаллерлар мавжудмиш... шу сабабли фермер хўжалиги раҳбари М. Ашуров ва бошқалар кредит маблағларини талон-торож қилган деб ҳисоблашга етарли асос топилмаганмиш...

## САВОЛЛАР БИСЁР

✅ **Аслида йўқ ер майдонига фоизга олинган маблағ мақсадсиз сарфланган бўлиб чиқяптими? Жавобгарлик масаласи нима бўлади?**

✅ **З. Шодмонов ҳам қарзларини қайтариб, ҳам мулкидан ажраяптими, шунда?**

✅ **Ўтган беш йил давомида банк вакиллари ҳеч курса мониторинг учун қайси боғни кўздан кечирган?**

✅ **Охирида қарзи-балога рўбарў қолган З. Шодмоновнинг ўзими?**

✅ **Сохталаштирилган ҳоким қарори масаласи очиқ қоладими?**

✅ **Фирибгарликнинг “иси” келмаяптими?**

Демакки, мавзуга яна қайтилади, чоғи...

*P/S: мақола эълон қилинишидан олдин Қўрғонтепа туманлараро суди раисидан ҳал қилув қарори юзасидан қисқа изоҳ сўралди. Жавоб: қарорда ёзилгани – сўз. Ортиқча изоҳга ҳожат йўқ.*

**Зилола РАҲМОНОВА,**
**журналист.**
**Андижон вилояти**

ЭЪЛОН

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон футбол ассоциацияси **“Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Г.Т. Хван МФЙ, Маънавият кўчаси, 83А-уй манзилда жойлашган “Дўстлик” спорт комплексини реконструкция қилиш ва қуриш 1-босқич”** объектига бош пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан тендер эълон қилади.

**Объектнинг бошланғич нархи:**
17 655 398 270 сўм ҚҚС билан;
15 352 520 235 ҚҚС сиз.

**Объектни фойдаланишга топшириш муддати:** 9 ой.

Объектнинг молиялаштириш манбаи: Ўзбекистон Футбол ассоциацияси маблағлари ҳисобидан.

Даъвогар сифатида тендерда иштирок этмоқчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар айланма маблағлари танлов савдоси предметининг 20 % дан кам бўлмаслиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, тендер объектига ўхшаш объектларда ишлаш бўйича иш тажрибаси, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларига эга бўлиш зарур.

Тендер предмети бўйича тендер ҳужжатларини тендер ташкилотчиси – **“STROY KONSALTING SERVIS” МЧЖнинг Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16“а”-уй** манзилдаги офисидан (мўлжал: “Агросаноатлойиҳа” МЧЖ нинг маъмурий биносининг 503-хонаси, тел. **71 256-16-93** ёки **98 338-83-05**), эълон чиққан кундан соат 9-00 дан 17-00 гача олиш мумкин.

Тендер ҳужжатлари тендер ташкилотчисидан олинганда талабгор томондан белгиланган тартибда тендер ҳужжатларини олиш бўйича буюртманома тендер ташкилотчисига топширилган ва тўлов қилинган кундан 3 кун ичида берилади.

Тендер ҳужжати бир тўпламининг нархи - 1 000 000 сўм.

Шунингдек, мазкур объектга ўтказиладиган тендер бўйича қўйилган талабларни буюртмачи томонидан 2022 йил 5 январь куни берилган Ўзбекистон футбол ассоциациясининг сайтидан олишингиз мумкин.

РЕКЛАМА

## НАМАНГАНЛИК ЁШЛАР УЧУН

**ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КЎЗНИ ҚУВОНТИРАДИ, ЮРАКНИ ТЎЛҚИНЛАНТИРАДИ. БУНДАЙ ХАЙРЛИ ИШЛАР КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ҲАМ КЎПАЙИБ БОРАЁТГАНИ ЭСА АЛОҲИДА МАҚТОВГА ЛОЙИҚ.**



Хусусан, инвестиция дастури доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик намуналаридан бирини олайлик. Чуст туманидаги Звутқанд маҳалласида яшовчи ўғил-қизлар энди янги замонавий мактабда бир сменада таълим олишяпти. Сабаби, 22-мактаб якунланган йилда мукаммал таъмирланиб, қўшимча уч қаватли ўқув биноси қурилиб фойдаланишга топширилди-да.




Эътиборлиси, синф хоналар шинам ва кўркам. Ўқув масканидаги қурилиш ишларида **Соҳибжон Тошматов раҳбарлик қилаётган “Крошка строй сервис” масъулияти чекланган жамияти** жамоаси фидойилик кўрсатди. Шунингдек, Янги Наманган туманининг “Ёшлик” маҳалласи болажонлари учун ҳам 150 ўринли ажойиб, барча қулайликларга эга 74-МТТ қуриб берилди. Ушбу гўзал бинони Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича” ИК Наманган вилояти бўлими буюртмачилигида иссиқлик тежовчи технологияни қўллаган ҳолда архитектура қурилиш қоидалари асосида “Янгиқўрғон сервис қурувчи” МЧЖ бунёдкорлари барпо этишди.

Мазкур тумандаги “Истиқлол” маҳалласида ҳам умумий қиймати 6 миллиард сўмлик лойиҳа асосида янги 150 ўринли тарбия маскани барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

**Юнусали ОЧИЛДИЕВ,**
**“XXI asr” мухбири**

*Хизматлар лицензияланган.*

ТАҲЛИЛ

# ЯРАШТИРИШ ЕЧИМ ЭМАС...
# ҳатто фожиа билан тугаши мумкин



## ЯХШИЯМ ЎЛМАЙ ҚОЛДИ...

Несибали *(исмлар ўзгартирилган)* мактабни битирибоқ ўзидан икки ёш катта, йўлини тўсиб, дил изҳорларини айтишдан чарчамаган Тўланбойга турмушга чиқди. Ёшлар жудаям бахтли эдилар. Лекин тўйнинг тўртинчи куниёқ қайнона янги келинга зуғум қилишни бошлади. Несибалининг ҳар бир қадамидан айб қидиришга ўтди.

Оилали қайин-сингиллар ҳар ойда фарзандлари билан ота-онасининг уйига келган кунлари Несибали учун ҳақиқий дўзахга айланарди. Шу даражага бордики, улар ташқарига чиқмай, тунда ҳожат чиқарган тувакларигача Несибалига тозалата бошлашди.

Онасининг, сингилларининг ҳар куни Несибалини ёмонлашлари Тўланбойга ҳам таъсирини ўтказа бошлади. Энди шундоғам тинмай уй юмушлари билан банд бўлган, деярли овқат емайдиган хотинига қўл кўтара бошлади.

Уйга борганида онасига дардини ёрса, "бироз чида, болали бўлсанг ҳаммаси яхши бўлади" деб юпатиб, она қизини ортга қайтарарди.

Ҳомиладор бўлди, лекин аксига олиб аввалгидан икки баробар кўп тазйиққа учрай бошлади. Бир куни бошқоронғи бўлиб, зўрға юрган Несибалининг сабри тугади, эрининг опасига:

– Етар, ўзингиз ва болаларингизнинг ахлатини ўзингиз тозаланг, – деганди, қайин опаси Лобар қўлидаги пиёлани Несибалига қараб ғазаб билан отиб, унинг юзига шапалоқ тортиб юборди, бу ҳам етмагандек, икки қўллаб сочига ёпишди. Уйдаги бақир-чақир, тўс-тўполоннинг устидан чиқиб қолган қўшни аёл профилактика инспектори, маҳалла фуқаролар йиғини ходимларини чақирди.

Қайнона, қайинопа, Несибалини ўртага олиб суҳбатлашишгач, уларни "яраштириб" маҳалладагилар ортга қайтишди.

Кечқурун ишдан қайтиб, кўпиртирилган воқеани эшитган Тўланбой хотинини ўласи қилиб калтаклади.

Бу ҳодисадан сўнг Несибали қаттиқ депрессияга тушиб қолди, ҳаёт билан видолашишга қарор қилди... Шу пайт уйга қайтган Зулейҳа Несибалини чақириб, уни топа олмагач, келинини қарғаганича негадир безовта маъраётган сигирдан хабар олиш учун молхонага кириб, даҳшатдан чинқириб юборди...

..."Тез ёрдам" келди. Яхшиямки, жувон ҳам, унинг қорнидаги бола ҳам омон қолди.

Лекин афсуски, келинчак касалхонада даволаниб чиққанидан кейин ҳам рўшнолик кўрмади. Навбатдаги можародан сўнг маҳалла фаоли Озода опа Несибалини Сайра Насирова раҳбарлик қилаётган аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказига олиб келди...

Бу "Зўравонликка йўл йўқ"лойиҳаси атрофида бўлаётган шу бугунги воқеалардан бири. Савол туғилади: агар жабрдийда аёлни маҳалла фаоли бу сафар ҳам яраштирибгина кетганида биринчи бор содир этилган мудҳиш хато қайтарилмаслигига ким кафолат берарди?.. Аксарият ҳолларда ўз жонига суиқасд қилиш, боланинг нотинч оиладан кўчага чиқиб кетиши ёки руҳий саломатлиги ёмонлашган келин қайнонасига ёки турмуш ўртоғининг жонига қасд қилиши, баъзи ҳолларда келиннинг зўравонлик қурбони бўлиши айнан маҳалла фаолларининг қайта-қайта яраштирувидан кейин содир бўлади. Чунки бундай пайтда пичоқ суякка қадалади. Осмон йироқлашади, ер қаттиқлашади. Зўравонликка учраган жабрдийда билади-ки, уни ҳеч ким эшитмайди, на ота-онаси, на маҳалла-кўй...

## БЎЛМАГАНГА БЎЛИШМАНГ!

Яқинда Қашқадарё вилояти ҳокими в.б Муротжон Азимов "оилавий ажримларга қаршимиз" деган компания бошланганини эълон қилди.

**"Янги йил якунида ажримлар содир этилмаган ҳар бир маҳалла раисига, маҳаллий бюджетлардан 5 млн. сўмдан 10 млн. сўмгача мукофот пули беришни йўлга қўйсак, депутатларимиз бунга қарши бўлишмаса, ажримлар кузатилмаган маҳаллалар раисларини юртимиздаги энг яхши санаторияларга ҳам юборамиз",** деди М. Азимов.

Ана энди усиз ҳам маҳалламизда ажралишлар йўқ, дея кўкрагига уриб мақтанадиган маҳалла раислари росманасига оилаларни ажраштирмаслик учун оёқ тираб турмаслиги мумкин эмас. Нотинч, кунига аёлига қўл кўтарадиган, ичиб жанжал қиладиган, унга қўшимча равишда учинчи шахсларнинг аралашуви ортидан зулм ва хўрлик кўриб келаётган аёл бу оиладан, бу МАҲАЛЛАДАН ё қочиб қутулади, ё ўлиб... Муротжон Азимовнинг бу таклифи ижтимоий тармоқ фаолларининг қаршиликларига сабаб бўлмоқда. Уларнинг аксарият изоҳларига эътибор берадиган бўлсак *"Жанжал етишмовчиликдан келиб чиқади, ўша пулни етишмовчилик сабаб жар ёқасида турган оилаларга беринглар, шунда улар ажрашмайди" қабилида. Яна бир ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси эса шундай изоҳ қолдирибди: "Маҳалла раисларига санаторий ва пул нимага керак. Яхшиси бу пулларни намунали, ўрнак оилаларга беринглар..."*

Жорий йилнинг 17 июнь куни Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг Тошкент шаҳар бўлимида гендер сиёсати бўйича давра суҳбати бўлиб ўтганди.

Тадбирда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошлиғи Фурқат Маҳмудхўжаев маҳаллаларда нуронийлар билан биргаликда иш олиб бориш кераклиги ҳақида ўз таклифларини билдираркан "Томошабин бўлиб турганимиз учун бугун аёлларга нисбатан шундай ҳолатлар юз беряпти. Зўравонликка учраганда уларга ёрдам қўлини чўзадиган, бошпана берадиган инсонлар ҳам йўқ эмас. Лекин энг охирги нуқтага келганда аралашишимиз бироз нотўғри. Худди ажримда судга бергандан кейин уларни яраштириш деярли имконсиздай. Бунинг ечими битта – эркакларни тарбиялаш керак. Маҳалла раислари зўравонликка учраб, кўчага ҳайдалган аёлларни уйига қайтариб киритишни ечим деб қабул қилиш бу нотўғри. Баъзида аёлни ўша уйга киритиб қўйиш уни олиб чиқиб кетишдан ҳам хавфли бўлиб қолади. Маҳаллаларда ажримлар кўрсаткичини кўпайтирмаслик учун шундай қилинади..."

Энг ачинарлиси, ажратилмаган, мажбуран яшатилаётган оилада ўсаётган болаларнинг руҳияти бузилади, ҳаёти дўзахга айланади.

## БАРҲАМ БЕРИБ БЎЛМАЙДИ

"Зўравонликка йўл йўқ", "Сукут сақлама" каби лойиҳалар бугун ана шундай тақдир эгаларининг ҳаётларини ёритиб бормоқда. Уларнинг аксарияти оила ярашгач, яраштирилгач, ота-она томонидан аёл яна эрининг олдига қайтариб юборилгач, қаттиқ тушкунликка тушган аёлларнинг ҳаёти ҳақида...

Демак, яраштириш, тушунтириш ишлари ҳар доим ҳам яхши натижа бермайди. Фақатгина бу маҳаллада бирорта оила ажрашмади деган ҳисоботларгина маҳалла-кўйнинг обрўсига обрў қўшиши мумкин. Лекин уларнинг мана шу ҳисоботлари учун қанча жабрдийдалар мум тишлаб яшаши ёки қурбонликлар берилиши керак.

2020 йилда 900 нафардан ортиқ аёл ўз жонига қасд қилган.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш маркази сабабларини ўрганганида, бундай нохуш ҳолатларга кўп ҳолларда аёлларнинг турмуш ўртоғи ёки қайнонаси билан келишмаётгани сабаб бўлган. Наҳотки маҳалла ўша оиладаги муттасил жанжалларни, зўравонликларни билмаган бўлса? Билган ва энг ачинарлиси, уларни яраштириб қўйиш билангина кифояланган. Балки маҳалла аралашуви, психолог ва мутахассисларнинг хатти-ҳаракатлари билан сақлаб қолинган, изига тушиб кетган оилалар бордир — бу бошқа масала, лекин букрини гўр тузатади деганларидек, зўравонликка мойиллиги бор одамнинг тузалиши қийин.

Йиллар давомида уруш-жанжал бўлиб келган оилани яраштириб ва яшатишдан маъно йўқ. Зўравонликка чидаш ва уни яшириш керак эмас! Зўравонликка болалар учун, кўчада қолмаслик учун, ажримлар сонини яшириш учун чидаш керак эмас.

Масъулларга айтар гапимиз эса "Сукут сақлама" ва "Зўравонликка йўл йўқ" лойиҳалари орқали ёритиб борилаётган оилалар тақдирини кузатиб боринг. Ана ўшанда маҳаллаларнинг "бизнинг маҳаллада ажримлар йўқ", дея кўксига уриб фахрланиши ютуғимиз эмас, фожиамиз эканлигини англаб етасиз. Ахир сиз бу таклифингиз билан ўзингиз билмаган ҳолда зўравонликларнинг очиқланмаслигига ҳисса қўшиб қўйишингиз мумкин. "Бировнинг оиласи қоронғи ўрмон", деганларидек бу ўрмонда қанчадан-қанча ваҳшийликлар оддий рақамлар ортига бекитилаётганини англаб етарсиз балки... Зеро, яраштириш ечим эмас, ажрим ҳам фожиа эмас, лоақал пичоқ суякка қадалган оилаларда қотиллик бўлмаслигининг олди олинади...

**Барно СУЛТОНОВА, журналист**

МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

# АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?!

**ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА БОЛАЖОНЛАР УЧУН ТУРЛИ БАЙРАМОНА ТОМОШАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ: КОНЦЕРТ, ТЕАТР, ЦИРК ДЕГАНДЕК. БУНДА ЦИРКНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР.**



Концерт ёки театрга бораётган томошабин саҳнада нима кўришини тусмоллай олмаслиги мумкин, аммо циркка каттаю кичикни жониворлар шоусига бўлган қизиқиш ундайди.

Тошкент давлат циркидаги томошалар ҳамон давом этмоқда. Кеча унда шахсан иштирок этиб гувоҳ бўлдимки, цирк санъатимиз сифати сезиларли даражада пасайибди. Томошада на сценарий бор, на воқеа. Дабдурустдан дорбозлар ўйини бошланиб, пала-партиш давом этаверди. Жудаям пала-партиш. Ҳайвонлар карантинга чиқариб юборилганми – ҳайронсиз. От, буқа ва кичкина қафасчадаги жажжи йўлбарсча зумда кўриниш беришда тўйга келадиган "бирровчи" хонандаларни ҳам ортда қолдирди.

Томошанинг 90 фоизи шовқинли мусиқа ва рақсдан иборат. Адашиб балетга тушмадиммикан, деб чиптангизга қараб қўясиз, ўзингиздан шубҳаланиб. Дарвоқе, чипта томоша сифати билан солиштирганда анча қиммат: 30 мингдан 50 минггача.

Ундан ташқари, онлайн чипта ҳам ташкил қилинган экан, онлайн ва оффлайн чипта рақамлари айни чиқиб, томошабинлар жой талашиб ҳам қолишди.

Назаримда, Тошкент давлат цирки фақат халқаро шоулар ижарасига суяниб қолган, фақат улардагина сифат юқори ва чипта нархи ҳам шунга яраша бўлади. Лекин ўзимизнинг цирк ижодкорларимиз ва ўргатилган ҳайвонлар-чи? Қачон улар ривожланади?

**Манба: platforma.uz**

АЖАБО!

**КЕЧА ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИ, ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ АЪЗОСИ АЛИШЕР САЪДУЛЛАЕВ "TELEGRAM"ДАГИ РАСМИЙ КАНАЛИДА *"БИЗ ТАБИАТНИ, ОБ-ҲАВОНИ АСРАШИМИЗ КЕРАК-КУ, АЙНИҚСА, ТОШКЕНТ ШАҲРИ. СУНЪИЙ "ЧАНГ БЎРОНЛАРИНИ" ЎЗИМИЗ ЯРАТИБ, ЯНА ШАҲАР ИФЛОСЛАНИБ КЕТЯПТИ, ДЕЙМИЗ. ЛЕКИН КЎЧАГА ҚАРАСАНГ, 20 ДАҚИҚАДАН БЕРИ ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ТИНГАНИ ЙЎҚ! ОХИРИ ҚУШЛАР ҲАМ СУРВОРАДИ БУ КЕТИШДА!"* ДЕБ ИЗОҲ ҚОЛДИРДИ.**



Бундан олдин "Telegram"даги @ekologuz каналимизда "Ёшлар фестиваллари" доирасида режалаштирилган мушакбозликларни тўхтатишни сўраб Олий Мажлис Сенати аъзоси Алишер Саъдуллаевга мурожаат ёзган эдик. Аммо инобатга олинмади. Қорақалпоғистонда ва вилоятларда катта мушакбозликлар ўтказишганди. Нега ўшанда қушлар тақдири агентлик раҳбарини ўйлантирмади?

# МУШАКБОЗЛИК

## лаҳзалик қувончимиз деб юзлаб қушлар нобуд бўлмоқда



Ҳар йили Янги йил ва бошқа байрам тадбирлари якунида мушакбозлик қилинади. Бунинг экология ва ҳайвонот дунёсига таъсир қилишини ўйлашмайди. Римда Янги йил мушакбозлиги оқибатида юзлаб қушлар ҳалок бўлгани ҳақида ҳам ёзган эдик. Нега ҳукуматимиз аъзоларини ҳам шундай масалалар ўйлантирмайди?

Қоронғида қушларнинг кўзи кўрмаслигини инобатга олсак, нечта-нечтаси одамларнинг бир лаҳзалик қувончи деб жон беради...

Пойтахтимизда байрам кўнгилхушлиги деб "огнетушитель" портлатилгани оқибатида икки киши оғир яраланганидан хабардормиз. Бир ўйлаб кўринг, одамларгаки жароҳат етказаётган ушбу ҳолатлар кўчадаги ҳайвонларга ҳам салбий таъсир қилмайди деб ким кафолат бера олади?

**Наргис ҚОСИМОВА,**
**Манба: Telegram'даги @ekologuz**

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O'ZLIDEP XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

**Бош муҳаррир**
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Актам ХАИТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шуҳрат БАФОЕВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА
Сирожиддин САЙЙИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.
электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
*Телефонлар:*
*қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).*
*Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.*

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 151 Адади: 3091
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнерлар
**Элёржон Неъматов, Маъруфжон Раҳмонов** саҳифалади.

ISSN 2181-497X

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**
**123456**

Навбатчи муҳаррир:
**Аслиддин АЛИМАРДОНОВ**